

**"ТАСДИКЛАЙМАН"**

**"Агробанк" АТБ**

**Навоий вилоят**

**башкаривсан ботлиги**

**А.Ф.Мустафасев**

**"23" феврал 2022 йил**

**«Агробанк» АТБ Худудий филиали касса тармоғидаги  
хожатхонани таъмирлаш ишларини бажариш бўйича  
ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ**

**Навоий 2022 йил**

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ:**

### **1. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

### **2. ТЕХНИК КИСМ**

### **3. НАРХЛАР КИСМИ**

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА**

### **1. Танлов предмети ва таҳминий киймати**

1. Танлов предмети: “Агробанк” АТБ Навоий вилоят бошкармаси Худудий филиали касса тармогидаги ҳожатхонани таъмирлаш ишларини бажариш.

1.2. Танлов охирги киймати- 10 768 318 (үн миллион етти юз олтмиш саккиз минг уч юз ўн саккиз) сўм. Ушбу кийматдан ортиқ кийматлар кабул килинмайди ва куриб чикилмайди.

1.3. Бажариладиган иш турлари техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмida илова килинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажарини муддати шартнома имзолаиган кундан бошлаб 10 кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати -аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. “Агробанк” АТБ Худудий филиали (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Навоий шаҳар Меъморлар кӯчаси- 104 уй

2.2. Танлов буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3 Танлов “Агробанк” АТБ Худудий филиали “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

тандов предмети кийматининг камида 15 фоизи миқдоридаги айланма маблагларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хуқукий лаёқат ва ваолатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);  
Низом маблаги миқдори;
- 3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчилликка биноан лицензиялантириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4 Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди. қайта ташкил этилган (ажратилиши, қўшилиши), тутатиш ёки банкротлик арафасида турганлар, мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштироок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

- 4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўtkазиш учун жойлаштириши лозим.
- 4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.3 Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим;
- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрстилиши керак;
  - Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошка боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдикланган холда ёки хар бир варагини мухраб тасдикланган холда тақдим этишлари лозим.

4.4 Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, фирмений бланкада имзоланган, номерланган ва мухланган холда;
- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);
- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.5 Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хақконийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тутагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукукига эга.

## **5. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

5.1 Таклифлар муддатини узайтирилиши фактат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.

5.2 Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1 Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларини аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7.БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қишига ҳакли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайлдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қондаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳакли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қондаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

7.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баёниомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кўчирма у имзолангани кундан эътиборан уч иш куни ичидан маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4 Танловнинг исталган иштироҷиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баёниомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидан танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.